



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Фарход Абдувалиевич Адиллов ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Отабек Аманиллаевич Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
4. Жонибек Бўтаев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
5. Рахмон Ибрагимов ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов XIX ASR IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONDA VOJXONA ISHI HAQIDA.....	38
7. Юлдузхон Имомова ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
9. Тимур Туляганович Раишев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
10. Нодира Набиевна Сафиходжаева ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
11. Азизбек Гўзалович Холлиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Нодира Набиевна Сафиходжаева,
Андижон давлат университети академик лицей ўқитувчиси

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

For citation: Nodira N.Safikhodzhaeva, FORMATION OF ORPHANAGES IN THE FERGANA VALLEY. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.67-74

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйлари фаолиятининг йўлга қўйилиши, етим болалар ҳамда ота-оналар қаровидан маҳрум бўлган болаларнинг давлат ҳимоясига олиниши, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Меҳрибонлик, тарбия, ахлоқ, кадрият, фаолият, Болалар уйи, Меҳрибонлик уйи, етим болалар, Антонина Хлебушкина, “Болалар қишлоғи”, Фарғона, Андижон, Наманган

Нодира Набиевна Сафиходжаева,
преподаватель академико-лицея
Андижанского государственного университета

ОБРАЗОВАНИЕ ДЕТСКИХ ДОМОВ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассматривает вопрос о создании детских домов в Ферганской долине, государственная защита детей-сирот и детей лишенных родительской опеки, а также условия, созданные для них.

Ключевые слова: Милосердие, воспитание, нравственность, ценность, деятельность, Детский дом, Дом Милосердия, сирот, Антонина Хлебушкина, “Детская деревня”, Фергана, Андижан, Наманган.

Nodira N. Safikhodzhaeva,
lecturer at the Academic Lyceum
of Andijan State University

FORMATION OF ORPHANAGES IN THE FERGANA VALLEY

ABSTRACT

This article discusses the establishment of orphanages in Ferghana Valley, the state protection of orphans and children deprived of parental care, and the conditions created for them

Index Terms: mercy, education, morality, value, activity, Orphanage, orphans, Antonina Xlebnikina, “Children’s village”, Ferghana, Andizhan, Namangan.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида жиддий ислохотлар амалга оширилди ва бу жараёнлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Мамлакатнинг янги ланаётган ҳаётибарпо этилар экан, муҳим бир масалага давлат томонидан ҳамиша алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, маънавиятимизга мутлақо ёт бўлган иллатлардан, маънавий ва ахлоқий тубанликлардан, “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келишидан огоҳлик ва улардан холи бўлишлик талаб этилади. Айнан, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузилишлар ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига зиён етказишдан иборат бузғунчиликлари, хатарли таҳдидлари инсонни буткул ташвишга солмоқда.

Мана шундай шароитда айниқса, ҳимоя қилишга муҳтож бўлган ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши муҳим бўлганлар – меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидир. Уларда оила, қариндошлик ришталари, оға-инилик каби маънавий қадриятларга нисбатан муносабат оддий болалар билан бир хилда эмаслиги, ахлоқий қадриятларга доимий равишда аниқлик киритиб бориш заруратини ҳисобга олган ҳолда, улар билан алоҳида ишлаш ва шу билан бирга, улар тарбияланаётган муассасанинг қандай шароитда пайдо бўлгани ва ҳозирга келиб улар фаолияти қандай аҳволда эканлиги, давлат томонидан айнан қандай муносабат ва эътибор қаратилаётганлиги каби саволлар жамоатчиликни қизиқтириш табиий. Мана шу масалаларга қисман бўлсада жавоб топиш мақсадида аҳоли ниҳоятда зич жойлашган Фарғона водийси мисолида, меҳрибонлик уйлариининг ташкил этилиши ва уларда тарбияланувчилар тўғрисида фикр юритишни жоиздир.

Дунё мамлакатларида етим-есир болалар ва ота-онаси қаровидан ҳамда оила муҳитидан маҳрум бўлган болалар учун махсус давлат интернати тамойилидаги таълим-тарбия муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти давлат назоратига олинган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустақамлаш масаласига, айниқса, улар ҳаётида нодавлат ноижорат ташкилотларининг ўрни ва уларнинг бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига тез мослашиши, болалар уйлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам, таълим-тарбия тизимининг йўналиш ва тамойиллари жиҳатидан ҳам, хўжалигининг таъминоти жиҳатидан ҳам, тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ҳам давлат томонидан тўлиқ таъминланади. Қолаверса, уларнинг барча ҳуқуқлари махсус қонунлар орқали кафолатланган. Болалар уйлариини ташкил қилиш, мавжудларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларнинг мустақил юридик шахс сифатида тан олинishi, етим-есирларга меҳр-мурувват, меҳр-нафқат, меҳр-оқибат, инсонпарварликнинг алоҳида ўрни масалалари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Ҳозирги кунда меҳрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш, хўжалик юритиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, бу жараёнда учрайдиган муаммолар сабабларини ўрганиш юзасидан кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб бориш долзарб масала бўлиб турибди.

Ана шу нуқтаи назардан, бор имкониятни ўрганиш ишга солиб, уни реаллаштириш назарий-фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш тақозо этилади. Шу боисдан, Меҳрибонлик уйлариининг жамият ҳаётидаги ўрни, амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнидаги етим болаларнинг таълим-тарбияси ва у билан боғлиқ муаммолар ечимини топишни тўлиқ таъминлаш, янада фаоллаштириш ҳамда улар учун етарли шарт-шароитлар яратиш бериш тизимини таҳлил этиш ҳам муҳим назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Шунга кўра, мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотлар самарадорлиги ёш болаларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ экан, уларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, улар учун зарур тиббий-тарбиявий шарт-шароитларнинг яратилиши ҳамда уларнинг ижтимоий-маънавий соҳадаги фаолликларини оширишнинг объектив ва субъектив жиҳатларини илмий таҳлил этиш бугунги кун тақозосидир.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда ХХ асрнинг ўрталаридан то бугунги кунга қадар вақт оралиғида Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари, унинг тарихий аспекти кўрсатилган. Уларда тарихий тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига оид бўлган масалаларга диққат қаратилган[1]. Хусусан, Э.Н.Бондаревская фикрича ахлоқий кадриятлар инсонлар ҳаёти ва фаолиятида қизиқишлари ва мақсадлари нуктаи назаридан ўйновчи ролларидир. Н.Н.Орлова меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятли ориентацияларни шакллантириш бўйича ишларида ўқувчиларнинг ҳаёт маъноси ва мақсадлари борасидаги тасаввурлари, кундалик хулқ-атворнинг элементар меъёрларини кўрсатиш билан бирга, шахснинг ахлоқий кадриятларни муваффақиятли шакллантириш учун махсуспедагогик ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди.

Бугунги кунгача ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида мамлакат фуқароларининг ижтимоий ҳаётдаги иштироки ва фаолиятлари билан боғлиқ қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, улар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши, бу ердаги тиббий-тарбиявий жараёнларни ташкил этиш ва уларни ижтимоий мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишда муҳимдир. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар акс этган адабиётларни тарихшунослик нуктаи назаридан таҳлил этиш натижасида совет ҳукмронлиги даврида нашр этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар ҳамда ҳорижлик олимлар олиб борган тадқиқотлар ўрганилди.

Совет даврида яратилган адабиётлар[2] синфий-сиёсий ва мафкуравий босимлар ҳукмрон бўлган даврда ёзилган бўлиб, уларда нафақат республи-канинг ички ҳаёти, балки халқаро ҳамкорлик масаласида ҳам маданият, халқ, жамият, мафкура ва маънавий омилларнинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлиги партия органларининг роли[3] ҳамда “социалистик мусобақалар”га асосий эътибор қаратилган. 1941 йил Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган етим болаларнинг Ўзбекистонга олиб келиниши ва бу билан боғлиқ жараёнлар, уларнинг кейинги турмуш шароити, Болалар уйлари фаолияти бўйича ёритилган кўплаб асарлар ва мақолалар борлигини ҳам таъкидлаш лозим[4].

Мустақиллик йилларида советлар тузумининг барбод бўлиши натижасида барча фанлар доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар коммунистик мафкура таъсиридан халос бўлди. Бу ўз навбатида ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида тарихий воқеликларни ёритишда янгича ёндашув ва қарашларга кенг йўл очиб берди, айниқса, ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида тадқиқот ишлари олиб бориш имконияти туғилди. Лекин, бу тадқиқотларда айнан Меҳрибонлик уйлари ва уларнинг тарбияланувчилари фаолияти тарихийлик нуктаи назаридан тўлиқ таҳлил этилмаган, фақат мазкур муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар[5.97-98] чоп этилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги, хусусан Фарғона водийсидаги мавжуд Меҳрибонлик уйлари фаолияти масаласи тарихий изчилликда олиб борилган тадқиқотларда мазкур уйларда тарбияланувчиларнинг ижтимоий-маънавий ислохотлардаги иштироки, ёшларга доир давлат сиёсатида уларнинг ўрни муаммолари ҳужжатли манбалар ва архив материаллари асосида очиб берилган. Ижтимоий-гуманитар

фанлар йўналишида, жумладан, фалсафа ва педагогик соҳадаги тадқиқотларда мазкур мавзу ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунда Фарғона водийсидаги мавжуд Меҳрибонлик уйлари фаолияти масаласи, мазкур уйларда тарбияланувчиларнинг ижтимоий-маънавий ислохотлардаги иштироки, ёшларга доир давлат сиёсатида уларнинг ўрни муаммолари ҳужжатли манбалар ва архив материаллари асосида очиб берилган. Тарихий изчилликда олиб борилган тадқиқотларда Меҳрибонлик уйлари фаолиятига доир мақола, қўлланма ва тўпламлар мавжуд. Аммо, Фарғона водийсидаги Меҳрибонлик уйлари тарихи ва улар фаолиятининг такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, улар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши каби масалалар тарихий аспектда ўрганилмаган.

Шу боисдан ҳам, мазкур масалаларни ўз ичига камраб олган мавзуни илмий-тарихий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу масала айрим хорижий олимлар томонидан ҳам қисман тадқиқ қилинган. Жумладан, уларнинг тадқиқот ишлари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни ёритишга бағишланган, айрим жиҳатларигина бизнинг Фарғона водийси билан боғлиқ тадқиқот учун манба бўлиб хизмат қилади[6.252].

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида Меҳрибонликуйлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя остига олиниши, моддий-техник жиҳатдан уларнинг жиҳозланиши, мутахассис тарбиячи-мураббийларнинг тайёрланиши, тарбияланувчилар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши, кўрсатиладиган тиббий-тарбиявий жараёнларни янада яхшилашни ташкил этиш ва уларни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўрни масаласини илмий таҳлил этиш, мазкур вилоятларнинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг тўлақонли тарихини яратишга улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

3.Тадқиқот натижалари:

Меҳрибонлик уйлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, улар учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши, бу ердаги тиббий-тарбиявий жараёнларни ташкил этиш, етук тарбиячи устоз-мураббийлани тайёрлаб бериш ва уларни ижтимоий муҳофазалаш жараёнини амалий ҳаётга тадбиқ этилиши билан боғлиқ масалаларнинг илмий таҳлил этилиши мамлакат тараққиёти, ёшлар тарбияси ва мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишига муҳим ҳисса қўшади.

Барча даврларда ҳам маълум жамиятда ота-онасиз қолган ёки уларнинг қарамоғини йўқотган болалар мавжуд бўлишган. Бунга турли омиллар масалан, жамиятдаги ички низолар, урушлар, турли бедаво касалликлар ва ҳоказолар сабаб бўлган. Етим қолган болаларга нисбатан ижтимоий эътибор турли жамият, давлатларда турлича бўлган. Бир қатор мамлакатларда қадимги даврлардаёқасосан черковлар қошида етим қолган ёки қаровсиз қолган болаларни қабул қилувчи, уларни вақтинчалик бўлса ҳам озик-овқат, кийим-бош ва турар жой билан таъминлаш ишлари йўлга қўйила бошланди. Кейинчалик хайрия ташкилотлари бундай вазифаларни ўз зиммаларига олишган. Айни вақтда ҳам ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида хайрия ташкилотлари томонидан кенг қўламли ишлар амалга ошириб борилмоқда. Ана шундай ташкилотлардан бири Буюк Британияда фаолият олиб борувчи “Болаларни кутқариш” ташкилотидир. Мазкур ташкилот етим қолган ёки ота-она қаровидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олиши, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масалаларини ҳам ҳал қилиб келганлиги маълум.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Энг аввало, давлат томонидан кўрсатилаётган асосий ҳимоя чоралари қариялар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари манфаатларига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 11февралда қабул қилинган

“Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон қарори[7] ҳам кучли ижтимоий сиёсат, ёшлар тарбияси ва соғлиги борасидаги ҳукумат қарорлари маҳсули сифатида ота-онасиз ва қаровсиз қолган болаларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш даражаси кучайганлигининг ёрқин намунаси.

Мамлакатимизда ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия-тарбиямуассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида етим болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси сифатида Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ташкил этилган Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларини мисол қилиб олиш мумкин. Жумладан, Фарғонадаги Болалар уйи ва Тошкентдаги замонавий ҳамда кўркам “Болалар қишлоғи” юқори мартабали меҳмонларга намоёниш этилади. Бу уйларда кўплаб ота-онасиз болалар оила шароитига мос равишда тарбия оладилар. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда Меҳрибонлик уйларининг ташкил топиши даврига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда дастлаб Меҳрибонлик уйлари 1918 йилда етимхоналар асосида “Болалар уйи” номи билан ташкил этилган[8.639]. Бироқ, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда болалар уйлари ва унда тарбияланувчиларнинг сони кескин ошганини кўришимиз мумкин Уруш жангҳоҳларида 300 минг нафардан ортиқ ватандошимиз ҳалок бўлди, уруш йилларида Ўзбекистонга бир миллион нафарга яқин киши РСФСР, Украина, Беларуссия, Молдавия ва бошқа жойлардан эвакуация қилинди. Улардан икки юз мингга яқини ёш болалар бўлган[9]. Албатта, бу уруш йилларида халқимиз ўртасида инсонпарварлик, дўстлик ва бир-бирига меҳрибонлик шундай намоён бўлдики, ота-оналаридан айрилган ва бутунлай етим бўлиб қолган турли миллат болалари серқуёш юртимизда, ўзбек хонадонларида бошпана топишди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистонда 214 та болалар уйи бўлиб, унда 20 минг нафар бола тарбияланар эди. Шунга асосан, Наманган вилояти 1942 йил январь ойида Гова қишлоғига жойлаштирилган “Комсомолец” болалар уйида – 145 нафар, “Дедушка Ильич” болалар уйида 82 нафар, Намангандаги “Тўлқин” жамоа хўжалигида жойлашган 16-болалар уйида 102 нафар, “Ленин йўли” жамоа хўжалиги болалар уйида 270 нафар, Поп тумани марказидаги “Воровский” номли болалар уйида 117 нафар, Янгиқўрғон туманидаги “Красная Украина” болалар уйида 176 нафар, Шағанд қишлоқ кенгашидаги “Донбас-3” мактаб болалар уйида 69 нафар, Наманган шаҳридаги кўзи ожиз болалар уйида 125 нафар, ҳаммаси бўлиб 1252 нафар бола тарбияланди. Улар билан шуғулланувчи назоратчилар шаҳар ва туманларда ҳам ташкил топди.

Ўзбекистонга турли миллат вакилларидан иборат ота-онасидан маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш ва соғлиқларини сақлаш бўйича ташаббуслар билан Фарғона водийсида ҳам кўплаб болалар уйлари очилди, жумладан, Андижон вилоятида 1933 йилгача 6 та болалар уйи очилган бўлса, Фарғона вилоятида ҳам ўнгга яқин болалар уйлари мавжуд бўлган. Кўкондаги болалар уйи эса, 1919 йили ташкил қилинган. Марғилон шаҳрида жойлашган 1-сонли болалар уйи эса 1924 йили ташкил топган. 1943 йилга келиб, Наманган вилоятида 20 дан ортиқ болалар уйлари мавжуд бўлган бўлса, уларда 2237 нафар бола тарбияланарди. Уйчи, Янгиқўрғон туманлари ва Наманган шаҳрида учта болалар уйлари барпо этилди[10.21].

Ўтган йиллар мобайнида ўзбек халқи ўзининг болажонлиги, бағрикенглиги ва инсонпарварлиги билан бошқа миллатларга ўрнатилган бўларлик даражадаги ишларни амалга оширди. Дарҳақиқат, етим болаларни асраб олиш, уларга ҳомийлик қилиш, ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган бағрикенглиги, доимий анъанаси бўлиб келган. Халқимиз ана шундай эзгу фазилатлари ва миллий қадриятларига ҳамиша содиқ қолган. Советлар тузуми даврида болалар уйлари ва турли интернатлар очилган. Ўша муассасаларга боқувчисидан

махрум бўлган болалар қабул қилинган ва тарбияланган. Фақат ўзининггина боласини эмас, балки бошқа бегона болаларни ҳам севиш, эҳтиётлаш, уларнинг тарбияси билан ҳам шуғулланиш талаб этилар эди. Етим-есирларнинг бошини силаш, кўнгилларини олиш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш халқимизнинг азалий удуми ва анъаналаридан бири бўлганлиги сабабли ҳам, улар билан ишлаш унчалик ҳам оғир кечмади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида болалар уйлари фаолияти бирмунча яхшиланди. Чунки, ота-онасиз етим болаларни истаган томонга оғдириш ва хоҳлаган руҳда тарбиялаш осон кечар эди. Шунинг учун ҳам уларга “Ҳамма нарса болалар учун” шиори остида ғамхўрлик қилинди. Болалар уйларида яшаётган айрим болаларни ота-оналари кейинчалик ўз юртларига олиб кетишди. Уруш туфайли келиб қолган кўпчилик болалар Ўзбекистонда умрбод қолиб кетди. Ўша машъум йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган кўплаб болалар уйлари фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 24 та Меҳрибонлик уйлари, 21 та санатория мактаблари, 151 та махсус мактаблар фаолият юритади. Бундан етим ёки ота-она қаровисиз қолган ҳимояга муҳтож болаларга нафақат иншоотлар балки SOS ташкилотлар, ҳомийлар ва давлат томонидан маҳаллалар куриб фойдаланишга топширилмоқда. Ҳар бир вилоятида “Болалар шаҳарчалари” бунёд этилган бўлиб, бу ердатурар жой бинолари, ошхона, ювиниш хоналари, спорт майдончалари, ахборот ресурс марказлари бутун бир шаҳарчани ташкил этади. Яна бир эътиборга молик жиҳатлардан бири, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги қарори билан “2019-2023 йилларда Меҳрибонлик уйлари ноинституционалштириш дастури” қабул қилинди. Унга кўра Оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликни олдини олиш мақсадида Меҳрибонлик уйлари босқичма-босқич кам комплектли Болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказилиши кўзда тутилади. Бу ишларнинг барчаси мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига қаратилаётган юксак ғамхўрликнинг белгисидир.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Мавжуд Меҳрибонлик уйларидаги ташкил топиши, улар фаолияти, бу ерда тарбияланувчиларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий мослаштиришга ва жамиятга уйғунлаштиришга кўмаклашадиган, уларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, шунингдек уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш учун уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратиш ишларига давлат томонидан доимий эътибор ва ғамхўрлик қилиниб келинмоқда;

жамият ривожига Фарғона водийсида Меҳрибонлик уйларидаги ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, улар томондан амалга оширилаётган лойиҳалар ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик, етим болаларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда давлат ташкилотларининг ўрни масаласи билан боғлиқ муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалалар ҳақида илмий-назарий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради;

бугунги янгиланаётган тарихий жараёнларда етим болаларга муносабат масаласига оид илмий хулосаларни янги фикр-мулоҳазалар билан тўлдиради. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари масаласини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва умумлаштириш, илмий хулоса ва таклифлар бериш, амалий тажрибаларга ёрдам беради. Тадқиқот ишида кўтарилган ғоялар, қарашлар ва хулосалардан мустақиллик даври тарихини ёзишда, Меҳрибонлик уйлари масалаларига оид махсус курслар, семинар-тренинглар ўтказишда ҳамда ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон, жумладан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари Меҳрибонлик уйларидаги ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда давлат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни масаласи билан боғлиқ муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда тутган ўрни тарихийлик нуқтаи назаридан изчил умумлаштирилган ҳолда ўрганилди.

маънавий-маърифий фаолият орқали меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ахлоқий кадриятларни шакллантиришда мавжуд муаммолар моҳиятини очиб берувчи, уларни ҳал этиш бўйича усулларни кўрсатиб берувчи маърузалардан кенг фойдаланиш, танкидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, фаолликка ундаш мақсадида янги чоп этилган китоблар мутоаласини мунтазам тарзда ташкил этиб бориш, маажуд имкониятларидан самарали фойдаланиш жараёнида маҳаллий шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар ва муסיқачилар билан тадбирларни ташкиллаштириш, ёшларда маънавий ва ахлоқий кадриятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида адабий ўқишлар имкониятларидан ўринли фойдаланиш, ёшларнинг нафақат ақли, балки туйғуларига кучли ижобий таъсир кўрсатиш, уларда маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими мустаҳкамланишини таъминлаш учун маънавий-маърифий кечалар ташкил қилиб бориш усуллари ва тавсиялардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноска/References:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:Маънавият, 2008. –117 б.; Бондаревская Е.В. Ценностные основания личностно-ориентированного воспитания.//Педагогика, 1995.№4. –С.29,36.;Саидова Д.И. Маънавий-маърифий фаолият орқали меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ахлоқий кадриятларини шакллантириш.//Замонавий таълим/Современное образование, – Тошкент, 2017. –Б.3-15.; Орлова Н.Н. Опыт формирования ценностных ориентаций детей-сирот в учреждениях интернатного типа./ Вестник КГУ им.Н.А.Некрасова, 2008, том 14, – С.234.
2. Халқлар дўстлигининг буюк кучи. Мақолалар тўплами.-Тошкент. Ўзбекистон, 1974.; Шермухамедов С. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры.-Ташкент: Узбекистан, 1980.; Раззоқов Т. Социалистик мусобақа ва ҳозирги шароитда уни қишлоқда ташкил этишнинг баъзи масалалари. – Тошкент. Фан, 1989.
3. Шермухамедов С.Ш. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Тошкент.: ТГПИ, 1984.
4. Турдиев С. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. – Тошкент: Фан, 1987; Воскобойников А., Яковлев М.Организаторская и идеологическая работа Коммунистической партии Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. –Ташкент, 1966.; Ефимов В.Патриотические подвиги труда Самаркандской области в годы Великой Отечественной войны.– Самарканд, 1962.;Иноятов Ҳ. Ғалабага кўшилган ҳисса.– Тошкент, 1975.; Самарканд тарихи. 2 том. –Тошкент, 1977.
5. Сафаева С. Аёллар масаласи умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа фан номз.– Тошкент, 2002.–86 б.; Асқарова Ў. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари. Педагогика.фан.номз...дисс.–Тошкент, 2001.– 136 б.; Юсупова Г. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси. Педагогика. фан.номз... дисс.–Тошкент, 2011.– 128 б.; Султонова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида(Глобал муаммо сифатида).–Тошкент, ЖИДУ, 2005.– 250 б.Ўша муаллиф. Замонавий ўзбек аёлида инсониятнинг бебаҳо маънавий бойлик негизлари // Шарқ аёли: кеча ва бугун (илмий-амалий анжуман материаллари)-Тошкент, 2012.–Б.97-98.
6. Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик. – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.252.
7. Мирзиёев Ш.М.“Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сонли қарори/lex.uz/docs/4199119
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5 том. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. –Б.639.

9. Анвар Назир. Иккинчи жаҳон уруши, Ғалаба куни ва СССР тарихига оид халқ орасида тарқалган ёлғонлар/<https://sof.uz/post/ikkinchi-jahon-urushi-g-alaba-kuni-va-sssr-tarixiga-oid-halq-orasida-tarqalgan-yolg-onlar>
10. Асқарова Ў. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари. Педагогика фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – Б.21.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000